



2017-й.г. « 6 » июн

№ 1339-К

Самарқанд т.-р. Самарқанд

**Фуқаро Хамрокулов Фирдавсга музлатгич панеллари ва совутгич
двигателларини таъмирлаш устахонаси қуриш учун ер майдони ажратиш
хақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 07 октябрдаги
Паҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган
ишқа эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибининг тубдан соддалаштириш
тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 317-сонли қарорларига асосан, туман ер
ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг туман ҳокимлигига ёзган хатгини
қаробатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Фуқаро Хамрокулов Фирдавсга музлатгич панеллари ва совутгич
двигателларини таъмирлаш устахонаси қуриш учун тумандаги “Қайнама” қишлоқ
қарорлари йиғини МЧ “Мотрит-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 235
контуридан жами 1,3 га (шундан 1,3 га туман захирасидаги 55 балл-бонитетли
сувли ерлар хисобидан) ер майдони ажратилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил
21 сентябрдаги 317-сонли қарорининг 1-иловасига асосан музлатгич панеллари ва
совутгич двигателларини таъмирлаш устахонаси қуриш учун ажратилаётган 1,3 га
5 балли сувли ер майдони учун 81 681 600 сўм пул миқдори вилоят ер ресурслари
ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш вазифаси
Фуқаро Хамрокулов Фирдавсга юклатилсин.
3. Ушбу қарор чиқиши муносабати билан туман ҳокимининг 2016 йил
15 ноябрдаги 2817-Қ сонли қарори ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
4. Ушбу қарорни тасдиғи «Вилоят туманларида ер участкаларини бериш
реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят ҳокимлиги
комиссияси»дан сўралсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг
принбосари К.Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими:

Б. Кадиров